



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙДА ҚИШКИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан XXIV қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун 4-5 февраль кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлади.

Хитой пойтахти жаҳон спорти тарихида иккала Олимпиадани қабул қилган биринчи шаҳар бўлади — 2008 йилда бу ерда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари ҳам ўтказилган эди.

Карантин чораларига қатъий риоя этган ҳолда 4-20 февраль кунлари ўтказилган бу галги мусобақада спортнинг 15 та йўналиши бўйича 109 та медаллар тўплами уйналади. Бу медаллар учун Ўзбекистон ва 90 та мамлакатдан жами 4 миндан зиёд спортчи беллашади.

Олимпия ўйинларининг очилиш маросими 4 февраль куни Пекиндаги “Қуш уяси” миллий стадионида хорижий давлатлар ва расмий делегациялар етакчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтади.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Президенти қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

ЎЗА

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЁТДАН РОЗИ КЎНГИЛЛАР ИЗҲОРИ

Янги Ўзбекистон ривожланишининг биринчи беш йиллигидаги тарихий эврилишлар, жумладан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида амалга оширилган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари юртдошларимиз ҳаётида ўчмас из қолдирди.

▶ Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ: СОЗ ВА ҚУЛАЙ ИЧКИ ЙЎЛЛАР

ҚИШ СОВУҒИГА ҚАРАМАЙ...

Йўл ва кўприклар қуриш азалдан энг эзгу ва хайрли амаллар сифатида эътироф этилган. Бу ишларга бош бўлганларга иззат-икром кўрсатилган. Чунки йўловчи манзилини яқин, оғирини енгил қилишда бу инфратузилма тармоқларининг ўрни бениҳоя катта. Қолаверса, юрт тараққиётида ҳам йўлларнинг ўрни нақадар муҳим экани ҳеч кимга сир эмас.

Сўнгги йилларда яқин ва олис ҳудудларда йўллар қуриш, таъмирлаш, аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун зарур бўлган қулай шарт-шароитлар яратиб беришга эътибор кучайди. Йўл буйларда хизмат кўрсатиш

тармоқлари бунёд этилиши эса аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қўшимча иш ўринлари яратишда кенг имконият яратмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий қолғулар, musiқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг musiқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилансин:

а) **умумий ўрта таълим муассасаларида:** мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган **миллий musiқа қолғуларидан камида биттасида куй ижро этиш маҳорати** ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатига (шаҳодатнома) тегишли қайд киритилади; musiқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ҳар ҳафта миллий musiқа қолғуларида куй ижро этиш амалий тўғараклари ва факультатив дарслари ўтказилади;

б) **умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида:** Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бошқа маданият муассасалари билан ҳамкорликда **лекторий концертларини** ўтказиш йўлга қўйилади; лекторий концертлари таълим ва маданият муассасаларида ташкил этилади ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг musiқий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга, эстетик диди, дунёқарашини кенгайтиришга ва musiқани ҳис қилишга қаратилган амалий машғулотлардан иборат бўлади;

мусиқа санъати бўйича профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган, камида 3 та миллий musiқа қолғуларида маҳорат билан куй ижро эта оладиган мутахассисларни **асосий иш жойидан бўш вақтида у ердаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда** ўриндошлик асосида умумий ўрта таълим муассасалари musiқа фани ўқитувчиси ва musiқа йўналишидаги тўғарак раҳбари лавозимига тўлиқ ставкада ишга қабул қилишга рухсат берилади;

мусиқа фани ўқитувчиларини камида учта миллий musiқа қолғуларида куй ижро этишга ўргатиш **халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими доирасида амалга оширилади**, бунда қайта тайёрлаш (малака ошириш) курсларида машғулоти олиб бориш учун маданият ва санъат соҳаси вакиллари шартнома асосида жалб этилади;

б) **умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида:**

Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бошқа маданият муассасалари билан ҳамкорликда **лекторий концертларини** ўтказиш йўлга қўйилади;

лекторий концертлари таълим ва маданият муассасаларида ташкил этилади ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг musiқий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга, эстетик диди, дунёқарашини кенгайтиришга ва musiқани ҳис қилишга қаратилган амалий машғулотлардан иборат бўлади;

лекторий концертларининг ўтказилганлиги ҳақида тегишли таълим, маданият муассасаси, туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки бошқа масъул ташкилот раҳбари ва Ўзбекистон давлат филармонияси бош директори томонидан даволатнома тузилади;

лекторий концертларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари (умумий ўрта таълим муассасаларида) ва бюджетдан ташқари маблағлар (олий таълим муассасаларида) ёки қонунийликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан даволатнома асосида молиялаштирилади;

Маданият вазирлиги хайъати қарори билан умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида маданият ва санъат соҳасидаги давлат мукофотлари билан тақдирланган ижодкорлар раҳбарлигида уларнинг **“маҳорат мактаблари”** ташкил этилади; “маҳорат мактаблари” раҳбари бўлган ижодкорлар Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг **ун беш баравари** миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириб борилади;

в) **умумий ўрта таълим муассасалари, болалар musiқа ва санъат мактаблари, маданият марказлари:**

2022-2024 йилларда мазкур қарорга 1а-иловада белгиланган режа-жадвалга мувофиқ 3 тадан миллий musiқа қолғулари тўпламлари билан таъминланади;

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ

МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИНИНГ НУРЛИ МАЁФИ

Халқимиз катта йўлга чиқди. Йўлки, чиннидек тоза, озода, кенг ва равон, энг муҳими, адоғи нурли манзилларга, ободликка, фаровон ҳаётга туташ. Образли фикр-қарашларимиз бежиз эмас. Зотан, бундан беш йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинган мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг сурату сийратини ҳам, халқимизнинг турмуш тарзини ҳам, тафаккуримизни ҳам ўзгартирганини, юксалтирганини бутун халқаро жамоатчилик, сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар кенг эътироф этмоқда.



Куни кеча Президентимиз фармонига мувофиқ тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури халқимизнинг обод манзиллар сари дадил илдамлашига қудрат берадиган ҳужжат бўлди.

Сўзларимизни муболағга йўмаслигиниз учун айтай: стратегияда кел-

гусида амалга ошириладиган ишларнинг соҳаси, тармоғи, уларнинг қачон, қим ёки қайси ташкилот томонидан бажарилиши, механизмлари, жалб қилинадиган маблағи, пировард натижалари аниқ, лўнда белгилаб берилганки, улар Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини тасаввуримизда яхлит жонлантиради, эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

▶ Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

миллий муסיқа чоғуғулари тўпламлари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлардан тенг улушларда ажратиладиган маблаглар ҳисобидан молиялаштирилади;

миллий муסיқа чоғуғулари тўпламлари Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан марказлашган тартибда харид қилинади ва тегишли давлат муассасаларига етказиб берилади, бунда харид комиссиясининг таркибига миллий муסיқа чоғуғуларида куй ижро эта олувчи юқори малакали мутахассислар киритилади, чоғуғулар томонидан синаб кўрилади;

г) ҳар ийли: ўқувчилар ва талабалар ўртасида мазкур қарорга 2-иловадаги рўйхат бўйича “таълим муассасаси — туман (шаҳар) — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) — республика” кесимида маданият ва санъат соҳасидаги **республика кўрик-танловлари** ташкил этилади;

республика кўрик-танловларининг “таълим муассасаси” босқичида тегишли таълим муассасаси жойлашган маҳалладаги ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш Ёшлар етакчилари ва маданият марказлари зиммасига юкланади.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) **Халқ таълими вазирлиги** (Б.О. Саидов) 2022 йил 1 июнга қадар:

ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаларида директор бўйруғи билан амалий тўғрақлар ташкил этилишини, бу ҳақида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хабардор қилинишини таъминласин;

умумий ўрта таълим муассасаларида муסיқа фани ўқитувчиларига бўлган талаб ва келгусидаги эҳтиёжни мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, заруратга кўра, Маданият вазирлиги билан биргаликда муסיқа фани ўқитувчиларини тайёрловчи олий таълим муассасаларига буюртмалар бериб бориш;

б) **Маданият вазирлиги** (О.А. Назарбеков) икки ой муддатда:

муסיқий саводхонлиқни оширишга қаратилган лекторий концертларининг бадий дасуруни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д.Н. Саттаров) билан биргаликда муסיқа чоғуғуларини ишлаб чиқарувчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий муסיқа чоғуғуларини ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

3. Куйидагилардан иборат **2022 йилда республика миқёсида ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси** (кейинги ўринларда — 2022 йил учун календарь режа) тасдиқланган:

2022 йилда Ўзбекистон Республикасида халқаро ва республика миқёсидаги фестивалларни ўтказиш режа-жадвали 3а-иловага мувофиқ;

2022 йилда Маданият вазирлиги томонидан **“Маданият қарвони”** шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режа-жадвали 3б-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон давлат филармонияси** таркибидagi бадий жамоалар томонидан унинг ҳудудий бўлимлари билан бирга концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режа-жадвали 3в-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон миллий ва давлат симфоник оркестрлари, Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли** ва **“Ўзбек давлат цирки”** давлат муассасаси ижодий (бадий) жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш режа-жадвали 3г-иловага мувофиқ;

2022 йилда Маданият вазирлиги тизимидаги **давлат театрлари** жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш режа-жадвали 3д-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон миллий симфоник оркестри** ва **Ўзбекистон давлат симфоник оркестрининг** Тошкент шаҳрида йирк концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 3е-иловага мувофиқ;

2022 йилда республика миқёсида **касб байрамларини нишонлаш** муносабати билан ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари рўйхати 3ж-иловага мувофиқ;

2022 йилда ҳудудлардаги маданият муассасалари томонидан ўзаролик тамойили асосида бошқа ҳудудларга гастроль сафарларини, ҳудуднинг “маданият кунлари” тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 3з-иловага мувофиқ.

4. 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):

2022 йил 1 июнга қадар “Маданият қарвони” учун мўлжалланган, тегишли муסיқа техникаси ва сахнага эга 2 донга махсус автотранспорт воситасини харид қилсин;

вазирлик тизимидаги концерт-томоша муассасалари, цирк ва театр ҳодимлари орасидан “Маданият қарвони” таркибига киритиладиган ижодкорлар (доимий аъзолар ва муайян тадбирларда иштирок этувчилар) рўйхатини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларни ўтказиш жойи, вақти, иштирок этадиган ижодкорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишининг бошқа манбалари орқали, шу жумладан, тадбир ўтказиладиган ҳудудлар аҳолисини камида **икки ой олдин** хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

бир ой муддатда ўз ҳудудларида 2022 йилда ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаларини тасдиқласин;

2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши учун зарур ташкилий масалаларни ҳал қилсин;

ўзаролик тамойили асосида ўз ҳудудида фаолият юритаётган маданият муассасалари жамоаларининг бошқа ҳудудларга гастроль сафарларини, ҳудуднинг **“маданият кунлари”** тадбирларининг самарали ташкил этилишини таъминласин;

в) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳақимов) 2022 йил учун календарь режага киритилган тадбирларни **маҳаллий ва хорижий туристлар орасида** кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин, туристлар оқимининг ўзгаришини инобатга олиб календарь режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақдирларини доимий равишда Маданият вазирлигига тақдим этиб бориш;

г) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда “Маданият қарвони” учун мўлжалланган, тегишли муסיқа техникаси ва сахнага эга 2 донга махсус автотранспорт воситасини харид қилиш учун Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан қўшимча **20 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

5. Барча давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ҳар чоракда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблаглари ҳамда касаба уюшмалари маблаглари ҳисобидан ўз ҳодимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, концерт, цирк ва театрларга кириш учун билет ва абонементларни харид қилиш амалиётини жорий этсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), ҳўжалик жамиятлари муассаси бўлган бошқа давлат органлари бир ой муддатда устав фондига (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ондан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарининг бошқарув органлари йиғилишларида ушбу ташкилотлар буюртмаси асосида ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш вазифасини бизнес-режага киритиш бўйича ташаббус билан чиқсин.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) ҳудудий бўлинулари билан биргаликда ҳар ойнинг 25-санасига қадар барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, муассасалари, корхоналари ва ҳўжалик жамиятларига улар жойлашган ҳудудда келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳақида маълумот бериб бориш.

6. Белгилансинки, 2022 йилдан бошлаб **маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг куйидаги қўшимча чоралари** жорий этилади:

а) Маданият вазирлиги томонидан **“Инсон қадри учун”** зғу ғояси асосида ҳар йили куйидагилар учун **давлат буюртмалари берилади:** театрларда сахналаштириладиган камида 40 та **янги спектаклга;**

композиторлар ва бастакорларга 40 та **янги муסיқа асарлари**, шу жумладан, **опера, симфония, оратория** каби мўлғоз ва замонавий жанрлар, хусусан, эстрада бўйича асарлар яратишга; камида 100 та **юксак бадий савиядаги Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратишга** (кенг оммалашан 20 та аудиовизуал асар ижодкорлари Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори

билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бир марталиқ пул мукофоти билан тақдирланади);

камида 150 та **энг яхши миллий қўшиқларни карооке ёрдамида ижро қилиш** учун қайта ишлашга;

атоқли ижодкор-зиёғулар, аҳоли орасида юксак ҳурматга эга санъат ва ижод вакиллари томонидан олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси, ушбу ҳудудлардаги таълим муассасалари ўқувчилари билан **ижодий учрашувлар ўтказишга** (бир йиллик режа-жадвал ҳамда Маданият вазирлиги билан тузиладиган фуқаровий-ҳўқуқий шартнома асосида);

таълим муассасалари (танаффус пайтида), аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, савдо-қўнғилочар мажмуалар, маданият ва истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотларнинг локал тармоқлари орқали эшиттириладиган ва таширф буюрувчиларнинг руҳиятига ижобий таъсир қиладиган **миллий куйлардан иборат муסיқий альбомларни** тайёрлаш ва оммалаштириш ишларига (муаллифлик ҳўқуқларига риоя қилган ҳолда);

б) аҳоли орасида кенг оммалашган Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда **“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги”** номли саҳифалар ташкил этилиб, улар орқали Жамғарма маблаглари ҳамда саҳифаларни юритишдан келиб тушган маблаглар ҳисобидан **ўзбек халқи миллий маданиятини тарғиб этувчи куйдаги танловлар жорий этилади:**

муסיқа чоғуғуларида (миллий, опера, симфония, оратория, эстрада, бошқа мўлғоз ва замонавий жанрларда) бажарилган энг яхши 100 та ижро; энг яхши 100 та миллий қўшиқ; энг яхши 100 та миллий муסיқий клип; карооке ёрдамида қўшиқ ижро қилишга мўлжалланган, энг яхши 100 та муסיқий композиция (қўшиқ матни билан);

давлат ва хусусий театрларда сахналаштирилган энг яхши 50 та спектакль.

Бунда, ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар йил давомида жойлаштирилган ва ҳар йили 15 декабрь ҳолатига фойдаланувчилар томонидан энг қўп қўрилган ижролар орасидан аниқланади ҳамда Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бир марталиқ пул мукофоти билан тақдирланади;

в) юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда айланмадан солиқни ҳисоблашда **солиқ солинадиган база** ушбу ташкилот ҳодимлари ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш, шу жумладан, ушбу тадбирларга кириш учун билетлар харид қилишга йўналтирилган маблаглар суммасига камайитирилади, бунда мазкур чегириладиган маблаглар солиқ солинадиган базанинг 2 фоизидан ошмаслиғи лозим;

г) миллий муסיқа чоғуғ асбобларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этадиган ташкилотлар учун **айланмадан солиқ ва ижтимоий солиқ ставкаси** 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар **1 фоиз** этиб белгиланади;

д) Маданият вазирлигига ўз тизимидаги барча ташкилотлар учун бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблагларини сарфлаш нисбатини (моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамда ҳодимлари ижтимоий ҳўмия қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига) **мустақил белгилаш ҳўқуқи** бериллади.

7. Мазкур қарорнинг 6-бандида белгиланган маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг қўшимча чораларини ўз вақтида ва тўлиқ жорий этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):

юксак бадий савиядаги аудиовизуал асарларга давлат буюртмаларини жойлаштиришда уларнинг миллий адабиёт ва шеърятимизнинг нодир дурдоналари асосида яратилиши, истеъдодли ижодкорлар томонидан маҳорат билан бадий ўқиш, монолог ва бошқа шаклларда, шунингдек, хорижий тилларда ижро қилинишига, алоҳида эътибор қаратсин;

бир ой муддатда Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги” номли саҳифаларини ташкил этсин, уларни доимий равишда кенг жамоатчилик орасида оммалаштириш чораларини кўрсин, саҳифалар фаолиятини ташкил этишда муаллифлик ҳўқуқларига риоя қилинишини қатъий назорат қилсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда тегишли солиқ имтиёзларини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қўнун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон фармонида асосан Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ташкил этилганлиғи маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

а) Жамғарма маблаглари республика бюджетдан ажратиладиган маблаглар, Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар фойдасининг муассисига йўналтириладиган қисми ҳамда қўнунчиликда белгиланган ёки тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади;

б) куйидаги тадбирлар Жамғармага Давлат бюджетидан ажратилган маблаглар ҳисобидан молиялаштирилади:

“маҳорат мактаблари” раҳбари бўлган ижодкорларни қўшимча моддий рағбатлантириш; оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси асосида “Маданият қарвони” шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли, “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси, давлат театрлари, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва Ўзбекистон давлат симфоник оркестри томонидан концерт-томоша тадбирларини ўтказиш; “Инсон қадри учун” зғу ғояси асосида Маданият вазирлиги томонидан бериладиган давлат буюртмаларини молиялаштириш;

“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги” номли саҳифалар орқали ташкил этиладиган танловлар ғолибларини тақдирлаш;

Маданият вазирлиги тизимидаги муассасалар томонидан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг рекламасини ташкил қилиш, телеканаллардан эфир вақтини сотиб олиш; қўнунчилик ҳўжжатларида белгиланган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов): ушбу қарорда амалга оширилиши белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага 2022 йилда **жами 50 миллиард сўм**, шундан, **25 миллиард сўми** 2022 йил 1 мартга қадар, **қолган 25 миллиард сўми**ни ажратилган маблагларнинг ўзлаштирилишига қараб, Маданият вазирлигининг сўровига асосан **ажратсин**; ушбу қарор билан Маданият вазирлигига юқлатилган вазифаларни амалга ошириш учун 2023 йил Давлат бюджетни параметрларида Жамғармага **50 миллиард сўм** назарда тутсин.

10. Маданият ва санъат соҳасидаги ижодкорларни ҳар йили бир маротаба тақдирлаш мақсадида **Маданият ва санъат миллий мукофоти** таъсис этилсин.

Маданият вазирлиги икки ой муддатда маданият ва санъат миллий мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низоом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарори билан **маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан** ушбу ҳудудда узоқ йиллар самарали фаолият олиб борган маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳамда истеъдодли ёш ижодкорларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг **50 фоизи миқдорид**а, бирок Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон фармонида мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг **50 фоизидан** юқори бўлмаган миқдорда **субсидия** берилади.

12. Ҳудудий маданият органлари тузилмасидаги намунавий мақом ансамблилари неғизида амалдаги молиялаштириш тартиби ва штат бирикляри доирасида юридик шахс мақомига эга бўлган **Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ҳудудий бўлимлари** ташкил этилсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиоккомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканали Маданият вазирлигининг **Бош ахборот ҳамқори** этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Маданият вазирлиги томонидан намойиш этишга тайёр ҳолда тақдим этиладиган материаллар “Маданият ва маърифат” телеканалда **томошабинлар учун қулай бўлган вақтларда бепул эфирга узатилади**;

республика телеканалларидан **томошабинлар учун қулай бўлган** эфир вақтлари Маданият

вазирлиги томонидан сотиб олинади ва ушбу вақтда вазирлик тақдим этган материаллар эфирга узатилади;

Ўзбекистон Миллий телерадиоккомпанияси таркибидagi телеканалларда **ҳар ҳафтада аниқ бир вақтда** Маданият вазирлиги учун эфир вақти ажратилади;

телеканаллар фаолиятига тааллуқли тегишли лицензия талаблари ва шартларига миллий маданиятимиз дурдоналарини, шу жумладан, миллий чоғуғуларда асарлар ижро этилишини эфирга бериш талаблари киритилади.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) бир ой муддатда телеканаллар фаолиятини лицензиялаш бўйича қўнунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Қуйидагилар: **2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ;

Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан давлат театрлари ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасасини автобус ва юк транспорт воситалари билан таъминлаш режаси 5-иловага мувофиқ;

Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан туман (шаҳар) маданият бўлимларини махсус автотранспорт воситаси билан таъминлаш режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ушбу бандда тасдиқланган “йўл харитаси” ва режаларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиғи белгилансин.

15. Молия вазирлиги 2022 йил олти ойлик якуни бўйича Давлат бюджетни харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлиф киритсин, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетни параметрларини ишлаб чиқишда зарур маблаглар назарда тутилишини таъминласин.

16. Муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича ўзларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ёки таъминлаш мақсадида хориждан импорт қилиб олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган муסיқа чоғуғулари, овоз қўчайтиргич мосламалар, техник жиҳозлар, чиқроқлар, махсус либос ва оёқ кийимлар, “Маданият қарвони” учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситалари, уларга ўрнатилдиган муסיқа техникаси ва сахналар 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим ҳўжжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорлари 8-иловага мувофиқ ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Маданият вазирлиги Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қўнунчилик ҳўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

20. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.А. Жўрабоев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиғи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чоракда** ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 февраль

Ш.МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ



Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси:

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ:
СОЗ ВА ҚУЛАЙ ИЧКИ ЙЎЛЛАР

Бошланиши 1-бетда

Бу борада Андижон вилояти автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилаётган йирик бунёдкорлик ишлари ҳар қанча эътироф ва таҳсинга лойиқ.

Вилоятда жами 13 минг 346 километр автомобиль йўллари мавжуд. Унинг 2463 километри умумий фойдаланишдаги, 10883 километри эса ички ҳўжаликлараро автомобил йўллари тоифасига киради. Бугунги кунда вилоятда 14 та “Туман йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси, “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати”, “Кўприклардан фойдаланиш” ва “Мунтазам йўллардан фойдаланиш” унитар корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

2021 йилда жами 490,7 миллиард сўмлик иш бажарилиши туфайли 2 минг 142,5 километр йўлнинг ҳолати яхшиланди, 5 та замонавий кўприк фойдаланишга топширилди.

Белгиланган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун янги техника ва технологиялардан самарали фойдаланялмиз, — дейди Андижон вилояти автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўлқин Қораев. — Айниқса, ички йўлларни таъмирлаш орқали энг олис ҳудудларда ҳам қулай шарт-шароит яратишга ҳаракат қиялмиз. Утган йили 1473,3 километр йўл ва 2 та замонавий кўприк фойдаланишга топширилди. Натижада ички йўлларни таъмирлаш даражаси қарийб 20 фоиз ошди. Қурилаётган 9 та кўприкда монтаж ишлари якунланди. Бу ишлар самараси ўлароқ, 114 та ижтимоий соҳа объектига олиб боруви йўллар ҳолати яхшиланди.

Кенг ва раvon йўллар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишлари бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ. Қишнинг совуқ тафтига қарамай, йўлсозлар кўчаларни текислаш, тош-шағал, асфальт ётқизиш, бетонлаш каби мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини жадаллаштирамоқда.

“Бу кунларни узоқ кутгандик”

Дастлабки манзилимиз Балиқчи туманидаги “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Қишда лой, ёзда чанг-тўзон, ўнқир-чўнқир кўчалги қишлоқда бажарилаётган ишлар бу масканга янги ҳаёт нафасини олиб кирибди. Қўли-кўлига тегмаётган йўлсозлар қудратли техника воситалари ёрдамида ички кўчаларга шағал ётқизиш, текислаш, бетонлаш билан банд. Маҳаллага меҳмон келганини англаган оқсоқол велосипеддан тушди.

— Эй, келинлар, — дея маҳалла фахрийси Абдуфаттоҳ Примкулов очиқ чехра билан бизга пешвоз чиқди. Мақсадимизни аниглагач, қўзи қувонган, кўнгли фахр-ифтихорга тўлди. — Эсимни танибман-ки, маҳалламизда бу каби ободончилик, бунёдкорлик ишларини кўрмаганман. Тўғриси айтганда, уйга меҳмон келса, хижолат бўлардиқ. Кўчаларимиз ёғинли кунларда лой, ёзда чанг-тўзон эди. Ҳолат юзасидан кўп жойларга мурожат қилганмиз. Аммо ижобий ечим топилмаган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари туфайли кўп қатори маҳалламиздаги ички йўллар таъмирланиб, аҳоли ва транспорт ҳаракатлари учун қулай шароитлар яратилляпти. Нафақат йўл, сув, электр таъминоти билан боғлиқ масалалар ечимига эътибор қаратилаётгани айни мудиоа бўлди-да. Бундан қишлоғимиз аҳолисининг барчаси хурсанд.

Оқтепа маҳалласи Андижон вилоятда инфра-тузилма тармоқлари оғир бўлган ҳудудлар сирасига киради. Айни кунда бу масканда бажарилаётган амалий ишлар кўҳна манзил қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Буни одамларнинг қарашларидан, қайфиятидан ҳам билса бўлади. Қувонарлиси, бундай бунёдкорлик ишлари вилоятнинг барча ҳудудларида олиб боришмоқда.

Ноанъанавий усул

Қишлоқда таъмирланиши зарур бўлган 11 километр йўлга асфальт ўрнига бетон ётқизилди.

— Бу усул ҳар жихатдан фойдали, — дейди Балиқчи тумани “Йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси раҳбари Маъруфжон Мадаминов. — Хусусан, бир километр узунликда, кенлиги 4,5 метр бўлган кучани асфальт қилиш учун 600 миллион сўм ҳаракат қилинса, бетон қоришмали йўл учун 527 миллион сўм маблағ талаб этилади. Бетон нафақат арзонлиги, балки пишиқ ва пухталиги, узоқ вақт хизмат кўрсатиши билан ажралиб туради. Иқтисод қилнган маблағ ҳисобига биргина Оқтепа маҳалласининг ўзида икки километрга яқин қўшимча йўл қуриш ва таъмирлаш имкониятига эга бўлялмиз. Айни кунда биргина Балиқчи туманидаги 10 та маҳаллада ана шундай ишлар бажариляпти.

Мутахассислар бетон қопламали йўлларда транспорт ва аҳоли ҳаракатланиши билан боғлиқ ҳар бир жихатни ҳисобга олмоқда. Хусусан, совуқ ва ёғингар



чилик мавсумида сирпанчиқлик ҳамда йўл ҳаракати билан боғлиқ ҳоҳисаларнинг олдини олиш чоралари кўришмоқда.

— Маҳалламиздаги 450 та ҳўжалиқда 3 мингдан ортиқ одам яшайди, — дейди “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамиджон Усмонов. — Айни кунда барча ички йўлларни бетонлаштириш, электр, ичимлик сув тармоқлари тортиш ишлари олиб бориляпти. Бунда маҳалладошларимиз ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Йўл бўйларига меваги ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экялмиз. Бундан ташқари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 5 та оилага бир бошдан қўй, асалари оиласи, парранда, қуён бериялпти. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида маҳалла учун янги бино қуришга киришдик. Бу ерда тикувчилик йўналишида 20 дан ортиқ янги иш ўрни очилади. Кўряписими, ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйиялпти, ҳам иш ўрни яратиялпти, энг муҳими, бунинг ортидан одамларнинг фаровонлиги таъминланяпти.

Илк бор кластер тизими

Юртимизда турли тармоқларда кластерлар ташкил этилиб, тараққиёт драйвери ролини бажармоқда. Андижонда эса илк бор йўлсозлик санаятида кластер тизими жорий этилди. Натижада бу тармоқда учраб турадиган турли масалалар, жумладан, битум хомашёси тақчиллиги билан боғлиқ ҳолатлар барҳам топмоқда. Янги тизим ҳар қандай шароитда арзон ва сифатли қоришма тайёрлаш, йўл қуриш ва таъмирлаш амалларида қўл келмоқда.

“Раш милк” МЧЖ бу борада янги лойиҳа ташаббускори бўлди. Хўжаобод туманида йиллик қуввати 1,5 миллион тонна бўлган завод қурилиши ортидан вилоятда цементга бўлган талаб тўлиқ қолпанди. Эндиликда маҳаллий хомашё — шағал, қум ва цемент аралашмасидан йўл қурилишлариға мос бетон қоришмалар тайёрланмоқда.

— Бугунги кунда кўчалари абгор ҳолатга келиб қолган 72 та маҳаллада амалий ишлар бошланган, — дейди корхона раҳбари А.Зокиров. — Бу ерда бир кеча-кундузда 3500 куб метр бетон қоришма тайёрланмоқда. Бу узунлиги 1000 метр, эни 4,5 метр ва қалинлиги 18 сантиметр бўлган йўл қуришга етади. Энди бетон ишлаб чиқариш ҳажмини 5000 куб метрга етказишни мўлжаллялмиз.

Корхонада 100 та доимий ва 500 та мавсумий иш ўрни яратилди.

Масофа ҳам, вақт сарфи ҳам қисқаради

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” Давлат дастурларини амалиётга татбиқ этишда, биринчи галда, йўллар ҳолатини яхшилашга ва аҳолига қулай инфра-тузилма яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Андижон шаҳрида Бобуршоҳ кўчасининг икки қисмини боғлайдиган ва Марказий темир йўл вокзали устидан ўтадиган узунлиги 700 метрли кўп-

рик қурилиши бошланган. Бунинг учун 250 миллиард сўм йўналтириляпти. Натижада шаҳарнинг Амир Темур, Пахтакор ва Фитрат кўчаларидаги тирбандликларнинг олди олинади, масофа 5 километрга, вақт сарфи 25 фоиз қисқаради.

Бундан ташқари, Янги Андижон шаҳарчасини Андижон шаҳри билан боғловчи алоҳида тезорар автобус йўналишлари учун махсус йўл қурилишиға 43,2 миллион доллар йўналтирилади. Пировардида, тезорар автобуслар ёрдамида 18 дақиқада 150 нафар йўловчини бегиланган манзилга етказиш имконияти яратилади. Шаҳарлар кўчалари машиналарга



тўлиб кетган бугунги кунда бундай қулайлик янада зарур.

— Жорий йилда умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида 70 миллиард сўмлик реконструкция, капитал таъмирлаш дастури доирасида 53 миллиард сўмлик ишлар бажарилади. 1500 километр ички йўл ва 39 та кўприк таъмирланиб, фойдаланишга топширилади, — дейди Андижон вилояти автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси бош муҳандиси Нодирбек Комилов. — Натижада вилоятда ички йўлларнинг таъмирланганлик даражаси 73 фоизга етади.

Қурилиш аниқ ҳисоб-китобга таянади

Махсус техника келтирган бетон қоришмаларни йўлга ётқизиш жараёнида иштирок этаётган ишчилар ҳаракати эътиборимизни тортиди.

— Шу кунга қадар иш қидириб, ўзга юртларга боришга мажбур бўлганман, — дейди бетон қоришмалар йўлини текислаш билан андармон бўлаётган Хушнудбек Урозалиев. — “Алфа империя бетон” МЧЖ маҳалламиздаги йигирмидан ортиқ йигит билан меҳнат шартномасини имзолади. Бажарган ишимизга қараб 10 миллион сўмгача маош олялмиз. Хорижа боришга ҳожат қолмади. Оилангдан узоқлашмасдан меҳнат қилишининг гашти бўлакча. Қолаверса, юртимиздаги бунёдкорлик ишлариға ўз хиссамизини қўшаётганимиздан жуда хурсандимиз.

Йўл қурилишидаги ҳар бир жараён аниқ ҳисоб-китоб асосида олиб борилиши шарт. Акс ҳолда, унинг фойдаланиш муддати қисқаради.

— Бетон қопламалар сифатли ётқизилиши ва белгиланган меъёрларга мос бўлишини кузатиб бораман, — дея суҳбатга қўшилди “Алфа империя бетон” МЧЖ бош мутахассиси Бекзод Йўлдошев. — Масалан, йўлда сув тўпланиб қолмаслиги керак. Бу жараён қурилган йўлнинг сифатини ошириб, умрини узайтиради. Қуриб битказилган ҳар бир километр йўл мутахассислар назоратидан ўтганидан сўнг фойдаланишга топширилмоқда. Шу кунга қадар биргина “Оқтепа” маҳалласидаги 5 километрдан ортиқ ички йўл замонавий мезонлар асосида қуриб битказилди.

Қирқ йилда бўлмаган ишлар 40 кунда амалга ошди

— Оқтепа қишлоғига келин бўлиб тушганимға 40 йилдан ошди, лекин ўтган даврда бугунгидек ўзгаришларни кўрмаган эдим, — дейди Ишчилар кўчасида яшовчи Лобарон Ҳайдарова.

— Президентимизнинг халқчил сиёсати туфайли мана шундай чекка қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шароитлар яратилмоқда. Йўлларимиз раvon, кўчаларимиз ёруғ. Қўшни аёллар билан кечки сайрга ҳам чикялмиз. Ҳар бир хонадонга тоза ичимлик сув тармоғи тортилиб, ёғоч симёғолар бетонлисиға алмаштирилмоқда. Уч келиним бор. Тўғриси, улар ишсиз эди. Маҳалламиз марказида катта фабрика қурилмоқда. Бу кўпчилик келин ва қизларимизнинг орсуси эди. Улар энди шу корхонада ишлаб, рўзгорига кут-барака киришиға ҳисса қўшади.

“Ҳайдовчи бўлганим учун йўлнинг қадрини яхши биламан”

Дарёбўйи маҳалласи Избоскан туманидаги чекка ҳудудлардан бири. Йиллар давомида мутасаддилар эътиборидан четда қолган маҳалладаги ички йўлларда нафақат транспорт, пивёда юришга ҳам имконият қолмаётганди. Абгор кўчалар одам дилини хира қиларди.

— Такси ёки тез ёрдам қақирсангиз ҳам йўлимизнинг ёмонлигидан келишни истамас, турфа баҳоналар қиларди, — дейди Исроилбек Мирзааҳмедов. —



Ўзим “Дамас” автомашинаси ҳайдаман. Шу боис, бугун йўлларимизнинг раvon бўлаётганини қуриб, қувончдан “булар экан-ку!”, деганимни билмай қолам. Қисқа фурсатларда тоза ичимлик сув тармоқлари тортилиб, кичик кўчаларимизгача бетон қоплама ётқизилмоқда. Маҳалламизнинг обод бўлаётгани янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Эскиси бузилиб, янгиси қурилди

Ички йўлларни қуриш, таъмирлаш ишлари жойларда хизмат кўрсатиш тармоқлари қўламини кенгайтириш, турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш имкониятини бераётгани билан ҳам эътиборни тортади.

— Уйимга яқин жойлашган дўконда тadbиркорлик билан шуғулланиб келардим, — дейди оқтепалик Узоқжон Урозалиев. — Маҳалламиздаги ички йўлларни кенгайтириш бошлангач, менга эски дўконни бузиб, янғисини қуриш учун жой ва молиявий кўмак берилди. Чунки дўконим маҳалла йўлини кенгайтириш ва транспорт ҳаракатиға халақит бераётганди. Мутасаддиларнинг таклифиға рози бўлдим. Ҳозир замонавий меъморлик андозалари асосида янги бино қурилишини якуниға етказдим. Дўконимизда хизмат кўрсатиш, харидор ва транспорт воситаларининг эркин кириб-чиқиши учун зарур шароит яратдик. Авваллари тор, зах, қоронғу бир хонали пастқам жойда амаллаб савдо қилардик. Хона торлигидан махсусопотларни қўйгани жой тополмасдик. Савдо ҳам, даромад ҳам хизматимизға яраша бўларди. Энди буларнинг барчаси ортда қолди. Tadbиркорлик қилиб ҳам ўзинг барака топиб, ҳам эл қорига камарбаста бўлишнинг гашти бўлакча.

“Даромадимизга барака кирди”

“Товулди” маҳалла фуқаролар йиғини Балиқчи туманида янги ҳаёт нафаси кириб бораётган чекка масканлардан. Вилоятда ички йўлларни қуриш борасида бошланган янги ташаббус маҳалла учун ўзига хос имкониятлар эшигини очди. Равон кўчалар бўйида янги савдо ва умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шохбчалари ташкил этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

— Маҳалламиздаги ички йўллар таъмирланиб, транспорт ва аҳоли ҳаракатланиши учун қулай шароитлар яратиб берилаётгани қишлоғимиздаги йўловчилар оқимига ҳам сезиларли таъсир қилди, — дейди Ҳайдарали Қурбонов. — Авваллари ички йўлларимизнинг абгор аҳолиға сабаб атроф маҳаллалардаги йўловчилар бошқа йўллардан ҳаракатланишни афзал биларди. Бу эса, табиийиқ, хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожига салбий таъсир қиларди. Ички йўлларимиз таъмирлангач, йўловчилар оқими кўпайди. Узим ошпазман. Шу боис, маҳалламиздаги катта йўл ёқасида умумий овқатланиш шохбчаси ташкил қилдим. Мазали миллий таомлардан нафақат маҳалламиз, балки бутун туманимиз хўрандалари баҳраманд бўлмоқда. Бу кунларни фақат орзу қилардик. Ният ва мақсадларимиз ижобат бўлди. Янги йўллар, замонавий инфра-тузилма тармоқлари қурилаётгани инсон қадрини улуглаётган мустақил диёримиздаги ҳар бир оила учун янги имкониятлар яратиб бермоқда.

Ташвишлар ортда қолди

Асака туманидаги “Курама” маҳалла фуқаролар йиғинида умумий узунлиги 21 километрдан ортиқ ички йўллар бор. Аммо анча йиллардан буён уларнинг деярли ярми қайта қуриш ва таъмирлашга муҳтож эди. Маҳалладагилар бу масалада учрашмаган идораси, мурожат қилмаган мутасаддилари қолмади. Ҳамма ваъда берди, амалда эса ҳеч нарсa ўзгармади...

Президентимиз ташаббуси билан аҳоли муаммоларини ва уларнинг ечимини “маҳаллабай”, “хонадонбай” ўрганиш орқали аниқлаш борасида олиб борилган амалий ишлар туфайли бу масалаларға ижобий ечим топилди.

— Ёғин-сочинли кунлар яқинлашгани сайин абгор ҳолга келиб қолган кўчаларимиз аҳолини ташвишга соларди, — дейди Иномжон Собиров. — Айниқса, боғча ва мактабларга бораётган фарзандларимиз жуда йўналишлари. Маҳалламизда ички йўлларни таъмирлаш борасида бошланган ишлар ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ кўплаб масалалар ечимига туртки бўлди. Тор кўча ва йўлақларни кенгайтириш, унга туташ ҳудудларда хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилиши билан боғлиқ лойиҳалар билан танишдик. Оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб йўл бўйида автомобилларға техник хизмат кўрсатиш устанонаси ташкил этиш борасида бизнес лойиҳа таклиф қил-



дим. Ташаббусимиз кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Бу ерда нафақат ўғилларим, балки яна ўнлаб маҳалла ёшларига “устоз-шоғирд” аънаёни асосида хунар ўргатиш имконияти яратилди.

Сифати кафолатланади

— Бетон қопламали йўллар нисбатан 10-15 йил кўп хизмат қилади, — дейди “Йўл лойиҳа бюроси” МЧЖ Андижон вилояти филиали бошлиғи Мухторжон Зокиров. — Бу борадаги илк тажрибалар яхши натижа кўрсатмоқда. Шу мақсадда, аввало, цемент сифати ва қопламалар меъёрида бўлишиға алоҳида эътибор қаратялмиз. Бундан ташқари, йўл лойиҳаларида ҳудудларнинг жойлашуви, ер ва иқлим шароити, транспорт қатнови, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиши мумкин бўлган техника воситалари оғирлиги каби-лар ҳисобга олинган. Энг муҳими, вилоятимизда ички йўлларни қуриш борасида амалга оширилаётган ташаббус Андижон вилоятда биронта лой ва чанг кўча қолмаслиғига кафолат беради. Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган йиғилишда ички йўллар қуриш ва уларни таъмирлаш борасида Андижон тажрибасини ўрганиш лозимлигини бекорга таъкидламади.

Сирасини айтганда, Андижонда замонавий талабларға жавоб берадиган автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришға оид янги лойиҳалар аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Қишлоқлар ва шаҳарлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, андижонликлар қайфиятиға ижобий таъсир кўрсатмоқда. Улар амалда буй кўрсатаётган ислохотларға ўз ҳаёти мисолида гувоҳ бўлмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХАЁТДАН РОЗИ КҮНГИЛЛАР ИЗҲОРИ

Бошланиши 1-бетда

Янгиланаётган юрт ислохотлари, “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар оддий инсонлар ҳаёти, кундалик турмушида, қўйингки, ҳар бир қадамида қуёш сингари балқиб, нур таратмоқда. Энг муҳими, одамлар бугун ўз ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб яшаяпти. Биз сўнгги йилларда ҳаёти туб бурилиш ва гўзал ўзгаришларга юз тутган, эзгу мақсадларига эришган юртошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик, уларнинг дил изҳорларини ёзиб олдик.

Орзқимиз ушалди: энди биз ҳам Ўзбекистон фуқаросимиз!

Лариса ЭРНАЗАРОВА,
Бухоро вилояти Қорақўл тумани:

— Асли Озарбайжон диёрида туғилиб ўсганман. Тақдир нафақат турмуш ўртоғим билан учраштирди, балки дил ришталаримизни ҳам мухаббат билан мустақкам боғлади. Қўхна Бухоронинг Қорақўл туманига келин бўлиб тушганимда 21 ёшда эдим. Бугун 53 ёшдаман.

Турмуш ўртоғим (раҳматли) Нодир Эрназаров бой-бадавлат бўлмаса ҳам, инсофли, диёнатли, оилани мукаддас билувчи инсон эди. Бирин-кетин фарзандларимиз Нодир, Тофик ва Ақобир дунёга келди. Ўғилларимиз ҳаётимиз безаги, умримизнинг мазмунига айланди. Турмуш ўртоғим билан ҳамжиҳатликда ўтган йилларнинг қувончи ва турмушнинг залворли “мушт”ларини биргаликда баҳам кўрдик. Лекин ҳеч қачон ҳаётимиздан нолимадик.

Аммо юрагимизда бир кемтиклик бор эдики, уни ўйлаганимиз сари кўнглимиз чўкиб, қаддимиз букилгандай бўлиб бора-верарди. Бу менинг қўлимда фуқаролик паспортининг йўқлиги эди. Эҳе, Ўзбекистон фуқаролигини оламан, деб неча йилларим бесамар ўтди, бормаган эшитгим, ялғимча одамим қолмади. Лекин фуқаролик беришмади.

Ораимизда ҳамisha тотувлик бўлса-да, қалбимизда хотиржамлик, ҳаловат йўқ эди.



Фуқаролик ҳужжатим йўқлиги учун ота юртимга йиллар давомида бора олмаганман.

Фарзандларимиз вояга етган, бир дардимиз икки бўлди, чунки уларга ҳам фуқаролик паспорти берилмади. Ахир болаларим Ўзбекистонда туғилган-ку, шу юртининг бир бўлаги, дилбанди-ку деб кўп эзилардим, йиллардим, тунларимда ҳаловат, кўнларимда мазмун йўқолгандай эди. Йиллар давомида фарзандларимнинг келажагидан хавотир олиб яшадим.

Турмуш ўртоғим ҳам ўғилларим вояга етганда фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, уларнинг эртаси нима бўлади, деган хавотир билан бир неча мартаба Тошкентга бориб келди. Бирок натижа бўлмади.

Шавкат Мирзиёев Президент бўлганидан сўнг армонга айланаёзган бу орзуимиз яна учқунлана бошлади. Чунки давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк паллаларидан бошлаб одамлар билан самарали мулоқотни йўлга қўйиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилишга киришди. Жамиятимизда кечаётган бундай тарихий эврилишлар оиламизни ҳам четлаб ўтмади: 2019 йил 4 июнь кунни Президентимиз фармони билан менга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. 2021 йилнинг 4 декабрида ўғилларимга ҳам ана шундай бахт — фуқаролик nasib эди.

Афсуски, бу кунларни турмуш ўртоғим кўрмади, юрагидека бир дунё армон ва хавотир билан бу дунёдан эрта кетди.

Уйлаб қарасам, ярим умрим фуқаролик ҳужжатини олиш учун ҳужжатлар тўплаш, елиб-югуриш, куттиш билан ўтибди. Ўша дамларни бугун — давлатимизнинг бутун сиёсати инсон қадрини улуғлашга, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган айни паллаларда эсласам, кўзларим қувонч ёшларига тўлади. Шу кунларга етказгани учун Аллоҳимга шукр қиламан. Президентимизга оиламизнинг орзусини амалга оширгани, келажаққа умид уйготгани учун раҳмат айтаман. Давлатимиз раҳбарининг халқпарвар сиёсати туфайли нафақат мен, балки ўғилларим ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлди.

Дунёдаги энг бахтли инсонман!

Қудратали АЛМАТОВ,
Нурафшон шаҳри:

— 9 ёшимда мени Мехрибонлик уйига топширишган. У ерда вояга етдим. Албатта, Мехрибонлик уйида барча шароит мавжуд, лекин муаммоли бир томони ҳам бор эди. Яъни барча тарбияланувчилар 17 ёшга тўлганимизда у ердан чиқиб, ўзимизнинг мустақил ҳаёт йўлимизни бошлардик.

Хўш, муаммо нимада дерсиз?! Муаммо шунда эдики, мана, вояга етдинг, энди ўзинг олий ўқув юртига кириб ўқи ёки иш топиб, ишлаб кунингни кўравер, улгайдинг болам, деб чиқариб юборишса, яшашга жойингиз, ишлашга ишингиз бўлмаса, мана шуниси муаммо эди. Ҳар қандай одам ҳам эсанчираб қолади. Менча ҳам шундай бўлган. Ётоқхонаси борлиги учун қўйрайдиги Иқтисодийет коллежиде ўқиганман. Ҳар ҳолда уч йил бошпана ташвишини ўйламасдим-да...

Тан олиш керак, баъзи тенгдошларимга умумий кўпчилик бўлиб яшайдиган, газ хонаси алоҳида бўлмаган ётоқхоналардан уй-жойлар ҳам бериларди, лекин ҳаммага ҳам бу nasib қилмасди.

Шахсан ўзим Мехрибонлик уйидан чиқиб, катта ҳаётга қадам қўйганимдан сўнг деярли 10 йил сарсон-саргардончилиқда яшадим. 2010 йилдан бошлаб бўйнимга етимлик билан бирга бошпана кидириш ҳам қўшилди.

Тунлари тунаш учун жой, кундузни тирикчилик ташвишида ўтказган ўсимрик йилларимда кўп бора ҳоқимларга мурожаат қилдим, бари беҳуда ва бесамар кетди. Ёзган аризаларим жавобсиз қолди. Талабалар ётоқхоналарида, арзон ижараларда яшадим. Туну кун ишласам ҳам, топганим егулик, йўл ва ижара ҳажатларидан ортмасди.

Уй беринг, иш беринг, деб масъул раҳбарларнинг эшикларидека сарғайиб, умидвор бўлиб кутган кунларимнинг саногий йўқ,



Мурожаатларимга деярли бир хил — “Кўрамыз, ўрганамиз, жавобини айта-миз”, деган жавоб бўларди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда

бўлаётган ўзгаришларни қўриб, мурожаатларга — инсон тақдирига бўлган муносабат ўзгараётганини тушуниб, шундай бўлса ҳам бир ишониб, бир ишонмай

2019 йилда давлатимиз раҳбарига онлайн мурожаат йўлладим.

Ишонасизми, мурожаатимдан бир ҳафта ўтар-ўтмай, кўнглимда яшашга иштиёқ ва ҳаётга мухаббат ортди. Нега дейсизми, Нурафшон шаҳар ҳоқимлигидан одамлар келиб, аввал ижарага уй топиб берди ва мени у ерга қўчиришди, бир йиллик ижара ҳақини ҳам тўлаб беришди.

2020 йилда ўзим каби ҳаёт синовларида қийналган меҳрибон бир қизга уйландим. 2021 йилда эса шаҳарнинг Юқсалиш маҳалласида қурилган кўп қаватли янги йўллардан менга ҳам 3 хонали уй беришди.

Турмуш ўртоғим ва жажжигина қизалюғим билан янги хонадонда яшашамиз. Ҳоқимлик мутасаддилари рўзгор учун зарур бўлган жиҳозлар билан хонадонимизни таъминлаб ҳам берди.

Ҳозирда пойтахтдаги хусусий корхонада муҳандис-оператор бўлиб ишлаяман. Ҳаётимда биринчи бор ўз уйимга эга бўлиб, оилам даврасида чинакам бахтни ҳис қилаяман. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман!

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бу қўхна дунёда турмуш ташвишларидан баъзан аз қилар эканмиз, ўз юртининг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлишдек бахтининг қадрига ҳар доим ҳам эътиборимиз. Чорроқ бўлса-да, ўйимизнинг тафту ҳарорати борлигини ҳис эътиборимиз.

Ҳамюртларимизнинг юқорида айтиб берган кеңишлиларини тинглар эканман, мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида амалга оширилган улкан, таъбир жоиз бўлса, тарихий ишлар кино тасмасидек кўз олдидан ўта бошлайди. Инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадга қаратилган ислохотлар сабаб ҳаётимда туб бурилиш ясалган миллионлаб юртошларимизнинг бахтига гоёиона шерик бўламан.

Муҳими, юртимизда бу борада ишлар “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққий стратегияси сари” тамойили асосида узвий давом этади. Демакки, юртошларимиз бахтли, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун юқорида фикрларни қайд этилган ҳамюртларимиз сингари йиллаб кутмайди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кўп бўлмади, бундан бир неча йил олдин маҳалаларда тегишли масъуллар хонадонма-хонадон юриб, аҳоли уйларида қанча томорқа ер майдончи бор, одамлар унинг қанчасидан самарали фойдаланяпти-ю, қанча қисми бўш ётибди, томорқада қандай экин турлари етиштириляпти, деган саволлар асосида рўйхатлар шакллантирилди. Ўша вақтда кўпчиликда бу саволлар бироз эриш туюлди. Ҳатто, томорқа эзмники бўлса, истаганимча фойдаланаман-да, дегувчилар ҳам топилди...

ТОМОРҚА ХИЗМАТЛАРИ ИЛМ-ФАН БИЛАН УЙҒУН РИВОЖЛАНАДИ

касб-хўнар мактаби биносига жойлаштирилди. Ер кодексиде белгиланган тартибда касб-хўнар мактабининг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган 1,24 гектар ер участкаси марказ тасарруфига берилди. Бу ерда томорқачилик кластери фаолияти ҳам йўлга қўйиландиган бўлди.

ҲАМ РЎЗҒОРГА,
ҲАМ ҲАМЁНГА БАРАКА

Юртимизда илк бор ташкил этилган Томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази Тошкент вилоятида иш бошлагани бежиз эмас. Боиси, мамлакатимизнинг бу ҳудуди қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, аҳолининг ўз томорқаларидан самарали фойдаланиши борасида катта таъриб ва имкониятга эга. Янги тузилма биноси жойлашган Янгийўл туманида эса ҳеч бир хонадоннинг томорқаси бўш қолмайди. Айниқса, қўкат етиштиришда ном чиқарган Ниёзбоши массивида одамлар уйда бир қарич ери бўлса ҳам бирор экин экиб, рўзгорига ишлатади. Бу ерда кўп йиллик таъриб ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, асосан, қашинч, шивит сингари қўкатлар ҳамда пиез етиштирилади. Йил давомида шу экин турлари алмашилди экилади. Ниёзбошининг қўкат ва пиезлари, ҳатто, узоқ-яқин давлатларда ҳам харидордир.

Худуднинг бошқа туманларида ҳам аҳоли томорқадан умумий фойдаланади. Ҳозирги кунда вилоятда 479 274 нафар томорқа ер эгаси мавжуд бўлиб, улар уларнинг ихтиёридаги 33 минг гектардан ортиқ ер майдонига деҳқончилик қилиб келимоқда.

Тошкент вилояти аҳли қадимдан деҳқончилик, боғдорчиликнинг ҳадисини олган, — дейди Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўлаб-қувватлаш жамғармаси бўлим бошлиғи Аббос Мадиев. — Туманларнинг ҳар бирида қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, томорқачилик яхши ривожланган. Одамларнинг ақсарияти турли соҳаларда фаолият юритса-да, бўш қолди дегунча томорқасида экин-тинч ишлари билан банд бўлади. Бу орқали рўзгорига қўшимча даромад олиб қиради. Худудда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кенгаш ҳузуридаги жамғармага 2018-2021 йилларда 57,9 тузилма сўм ажратилиб,

ушбу маблагнинг 20,6 миллиард сўми томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, 7,7 миллиард сўм фермер ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилди. Натижада биргина ушбу йўналишда 1170 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятда очилган Томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази бу борадаги ишларни ҳам қўламан, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш жиҳатидан янада кенгайтиришга хизмат қилади.

МАРКАЗНИНГ МАҚСАД ВА
ВАЗИФАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Аслида, бугунга қадар томорқачилиқдан даромад олмақчиман, деган кишига Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан моддий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиб келиняпти. Хўш, Томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази улардан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради? Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари нима-лардан иборат?

— Миллий марказни ташкил қилишдан қўзланган мақсад халқимиз қадимдан шугулланиб келган томорқачиликнинг илм-фан, янгича технологияларга асосланган замонавий ва самарали усулларини омаллаштиришга қаратилган, — дейди Аббос Мадиев. — Бунда худудларда мева-сабзавот ва боғдорчилик-деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажминини кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг инновацион шакллари ва технологияларини ўзлаштириш, хусусан, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, пақана ва ярим пақана мевали дарактларнинг юқори ҳосил берадиган навларини экиш, илгирга 3-4 мартабага ҳосил олиш имкониятини берувчи агротехнологиялардан фойдаланиш, шунингдек, парранда, балик, қўён, асалари ва майда шохли молларни интенсив усулда қўпайтириш орқали томорқа ер эгаларининг даромадини ошириш учун томорқачилик илмини омаллаштиришга яқиндан ёрдам берилди.

Марказ устав фондида ажратиладиган маблаглар ҳисобидан эса мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, совутичли омборхоналар, чорвачилик, иссиқхона мажмуаларини қуриш, интен-

сив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш ва қадоклаш, омикта ем ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаш, минерал ўғитлар тайёрлаш асбоб-ускуналари ҳамда ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш учун кимёвий воситалар олиб келиш ҳамда сотиш фаолияти билан шугулланиш белгиланган.

БЕПУЛ КУРСЛАРДА ЭНГ ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАР ЎҚИТИЛАДИ

Замонавий технологиялар асрида барча нарсасиз, хатто, қишлоқ ҳўжалиги ҳам рақамлашиб борапти. Бир вақтлар ер ҳайдайдиган оқмочлар ўрнини тракторлар эгаллагани каби, бугун дала майдонларида уруғликларга дориюларни сепиш, экинлар ҳолатини текшириш ва бошқа агротабдилларни замонавий механизм, дропал сингари инновацион технологиялар бақараяпти. Бу инсон меҳнатини сезиларли равишда қамайтириш билан бирга, ҳосилдорлиқни ошириб, дунёда долзарб бўлган озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Миллий марказда, аввало, замонавий қурилмалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Бошлангич ер майдонларини топонимик тасвирга олишга мўлжалланган 2 та дроп қурилмасини харид қилиш режалаштирилган. In Vitro лабораториясида эса қадоқланган пақана ва ярим пақана мевали дарактлар қўчатларини парвариллаш хизматлари қўрсатилади. Шиддат билан кечаётган рақамлаштириш жараёни, ўз навбатида, янги билимларни эгаллашни тақозо этади. Шу жиҳатдан, марказда агротехизматлар ҳамда ўзига 12 йўналишни бирлаштирган томорқа хизмати кластеридан ташқари, томорқачиликка ўқитиш хизматлари, яъни ўқув курслари ҳам ташкил этилади.

— Аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишда уларнинг билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб бориш муҳим омиллардан саналади, — дейди Аббос Мадиев. — Аммо барча томорқа ер эгалари ҳам уларнинг билим ва малакасини ошириш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Шу боис, миллий марказда келгусида йўлга қўйиладиган тупроқшунослик ва биогумус, агротехник хизматлар, иссиқхона ва парник ҳўжалиги, томчилаб сугориш технологияси, агрокимё, боғдорчилик ва



қўчатчилик илми каби йўналишлардаги бепул ўқув курслари аҳоли учун айни мудоао бўлади. Курсларда томорқа ер эгалари билан бир қаторда, фермер, деҳқон ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари, “Томорқа хизмати” корхоналари раҳбар ва ходимларининг билими ва малакасини ошириш ишлари ташкил этилади.

Албатта, ўқув марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши келгусида аҳолининг ўз шахсий томорқасидан самарали фойдаланиш, йилгига қамиде 2-3 марта ҳосил олиш, пировардида, худуддаги бозорларнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан бойитишга хизмат қилади. Бу борада халқро таърибани ўрганиш, курсларга хориклик мутахассисларни жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мута-саддларнинг айтишича, ҳозирги кунда Россиянинг “Шимоллий Кавказ Федерал боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий маркази” федерал давлат бюджет илмий муассасаси ҳамда Тошкентнинг Испарта шахридаги “OSC Tarim Gida Soq’utlma Sistemleri İnşaat Sanayi Ve Ticaret Limited” компанияси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Айтгандек, миллий марказ фаолияти доирасида қишлоқ ҳўжалигига илғор инновацион технологияларни яратиш ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш, соҳада иланиш олиб бораётган илмий тадқиқотчиларга қўллаш ишлари ҳам олиб борилади. Бу соҳанинг янги таъриблари асосида замонавий технологияларга ўтиб боришни жадаллашти-ради. Қишлоқ ҳўжалигини илм-фан ва инновация билан уйғун ривожлантириш қўламини кенгайтири.

Тошкент вилоятида бошланган мазкур таърибани кейинчалик бошқа худудларда ҳам омаллаштириш белгиланган. Яъни келгусида барча вилоятларда Томорқачиликни ривожлантириш миллий марказининг минтақавий бўлимлари иш олиб боради.

ДАВР НАФАСИ

ТАЪЛИМДАГИ ОЛАМШҮМУЛ ИСЛОҲОТЛАР

улар замирида мамлакатимиз тақдири ва фарзандларимиз келажаги турибди

Шиддат билан ривожланаётган бугунги замонамизда ҳар бир мамлакат келажаги, хусусан, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли ёшларга боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларидан бошлаб инсон капиталини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир bosкичида сифат кўрсаткичини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замирида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек буюк вазифалар стратегик мақсад қилиб қўйилган.



Улуғбек ТОШКЕНБОВ,
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси раҳбари

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасига қаратилгани мамлакатимизни ривожланишининг янги bosкичига олиб чиқиш, юқори салоҳиятли кадрлар авлодини шакллантириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттиришга хизмат қилади. Шунингдек, 28 январь кuni Президентимиз раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳани ислоҳ қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Педагоглар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилади

Йиғилишда олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш учун Тошкент шаҳридаги 5 та ҳамда ҳудудлардаги 17 та олий таълим муассасасининг педагогика факультетларини доимий тарзда мактабларга бириктириш зарурлиги таъкидланди. Бу жараёнда 1-курсданқ талабалар дарс вақтининг тўрт кuni олий таълим муассасасида, икки кuni бевосита мактабларда ўтиши зарурлиги белгиланди.

Шу ўринда савол туғилади: бу ташаббус мактаб таълимини ривожлантиришда қандай натижа беради?

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан бир йилдан ортиқ вақт мобайнида таълим тизими самардорлиги бўйича дунёга намуна бўлиб келаётган Финляндия тажрибасини ўрганганимизда кўрдикки, ушбу мамлакатда педагогикага ихтисослашган уни-

верситетлар талабаларининг педагогика мактабларида амалиёт ўташи шарт қилиб қўйилган. Ҳар бир талаба тажрибали ўқитувчига бириктирилади ва университет қошидаги мактабда ўқувчиларга билим бериш орқали амалиёт ўтади. Мазкур жараён талабаларнинг ўз касбига меҳри ва қизиқишини ошириш билан бирга, уларга назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятини ҳам беради.

Шунингдек, ушбу мамлакат вакиллари билан ўтган мулоқотларимиз мобайнида ҳам эришилаётган натижалар педагоглар тайёрлаш тизими билан бевосита боғлиқ экани кўп бор таъкидланди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Хельсинки университети қошидаги Вики ўқитувчилар мактаби фаолияти билан танишганимизда бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, биздаги энг катта камчилик айнан педагоглар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг мактаблардан ажралиб қолгани билан боғлиқ. Амалиётнинг аксарият қисми номига ташкил этилиши эса олийоҳири битирган ёшларнинг мактаб муҳитига мослашувида турли муаммоларни келтириб чиқаради.

Айни шу нуқтани назардан, олдимизда турган энг муҳим вазифа педагогикага ихтисослашган олий таълим муассасалари ва мактабларни бир вужуд сифатида бирлаштириш ҳамда синфхоналарни талабалар учун ҳақиқий машқ майдонига айлантиришдан иборат. Бунда эса, албатта, устоз-шогирд тизимини самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчилар имтиҳонга эмас, хаётга тайёрланади

Йиғилишда Президентимиз томонидан мактаблардаги таълим сифати ва мазмунига ҳам кескин баҳо берилди. Хусусан, амалдаги таълим стандартлари, ўқув дастурлари фақат назарий билим беришга йўналтирилгани, бу эса ўқувчиларни мантикий фикрлаш, амалий кўникмаларини ҳаётий вазиятларда қўллаш, айни кундаги тизим ўқувчиларни ҳаётга эмас, имтиҳонга тайёрлаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, ривожланган давлатларда ўқувчиларни, аввало, ҳаётга тайёрлашга, олган билимини реал вазиятларда қўлай олишига алоҳида эътибор қаратилади. Нуфузли ташкилотлар томонидан ўтказиладиган халқаро тадқиқотларда ҳам айнан ушбу жиҳат алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шу йилнинг апрель-май ойларида илк маротаба халқаро PISA дастури тадқиқотларида иштирок этади. Ушбу тадқиқотларда 15 ёшли мактаб ўқувчиларининг олган билиминин реал ҳаётий вазиятларда қўлай олиши синалади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этиладиган ушбу халқаро тадқиқот дастури умумий ўрта таълим тизимига оид таҳлил ва қиёсий ахборотларни, шунингдек, мамлакатлар таълим сисётига оид қарорларни қабул қилишда муҳим маълумотларни тақдим этади. Мазкур тадқиқот натижалари дунё бўйича йирик инвесторлар



учун мамлакатда мавжуд инсон капитални ҳақидаги қимматли маълумот ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим тизими ривожланган давлатлар, хусусан, Финляндия тажрибасини ўрганган ҳолда, янги ўқув дастурлари тайёрланиб, таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Мазкур синов ҳулосаларидан келиб чиқиб, ўқув дастурлари янада такомиллаштириб борилади.

Албатта, дарсликларни янгилаш, уларни чоп этиш катта маблағ талаб қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан бу муҳим масалани етарли даражада молиялаштириш бўйича ҳам топшириқлар берилган.

Жорий йилда ушбу йўналишга 605 миллиард сўм ажратилмоқда. Бу рақам аввалги йилларга қараганда тўрт баробар кўп. Ушбу маблағдан самарали фойдаланиб, шу йилнинг ўзида 4 та синфнинг фан дарсликлари ҳамда барча синфларнинг инглиз, рус, немис тиллари ҳамда IT фанлар бўйича ўқув дарсликлари тўлиқ янгиланади.

Ҳокимлар учун мактабга эътибор қаратиш беш йиллиги бошланди

Давлатимиз раҳбари барча даражадаги ҳокимларга мурожаат қилиб, “ҳокимларнинг мактабга эътибор қилиш беш йиллиги” бошланганини таъкидлади. Шунингдек, туман, вилоят ва республика даражасида Мактаб таълимини ислоҳ қилиш кенгашлари тузилиши, Республика кенгашига шахсан Президент раҳбарлик қилиши, туман ва вилоят кенашларига эса ҳокимлар бош бўлиши маълум қилинди.

Ушбу ташаббусни ҳам мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш йўлида қўйилган жиддий қадам сифатида баҳолашимиз мумкин. Сабаби, ҳар бир ҳудуднинг ривожланиши ҳамда инновацияларнинг амалга оширилишида илғор фикрлайдиган, билимли ёшлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Финляндия, Жанубий Корея, Япония каби давлатларга хизмат сафаримиз давомида ҳам маҳаллий ҳокимликлар таълим бошқарувида муҳим роль ўйнашига ғувоҳ бўлганмиз.

Ёшларнинг тараққиёт локомotive эканини ҳисобга олган ҳолда, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам таълим ҳокимдан бошлаб барча даражадаги

раҳбарлар ҳамда кенг жамоатчилик эътибор марказида бўлмас экан, улкан ўзгаришларни амалга ошириш имконияти пасайиб бораверади. Зеро, энг юқори нуқтадан бошланган ўзгариш энг куйи нуқтада акс-садо бериши барчамиз тенг даражада амалга оширадиган саъй-ҳаракатларга боғлиқ.

Шунинг учун ҳам инспекция томонидан аниқланган камчилик ва муаммоларни, аввало, ҳокимларга тақдим этиш, уларнинг эътиборини қаратишга ҳаракат қиламиз. Вазиятни биргина Сирдарё вилояти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, икки йил аввал Президентимиз ушбу вилоятни таълимини ривожлантириш бўйича намунавий ҳудудга айлантириш бўйича топшириқ берган эди. Сирдарё икки йил аввал мактаблар рейтингига 12-ўринда турган бўлса, ўтган йили 9-ўринга кўтарилди. Бунда маҳаллий ҳокимликларнинг эътибори ва меҳнати ҳам катта бўлди.

Президентимиз топшириғига асосан, ўтган йили мамлакатимизда илк маротаба барча мактаблар рейтингини эълон қилинди. Рейтинги мезонларини белгилашда халқаро тажриба ҳамда маҳаллий устувор масалаларга алоҳида эътибор берилиб, барча мактаблар тўрт йўналишда, сақизта индикатор асосида баҳоланди.

Рейтингини аниқлашда ҳокимликларнинг маҳаллий бюджетдан мактаб таълимини ривожлантириш учун энг кўп ва энг кам маблағ ажратгани ҳам ҳисобга олинди. Унинг натижаларига кўра, барча даражадаги ҳокимлар фаолиятига баҳо берилди.

Камида 10 та ОТМ нуфузли халқаро рейтингларга қиради

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан миллий олий таълим муассасаларида сифатни ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали юртимиздаги камида 10 та ОТМнинг халқаро рейтинглардан ўрин олишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда ҳам олий таълим муассасалари миллий рейтингини эълон қилиб келинмоқда. Мазкур жараёнда асосий эътибор

ОТМлардаги илмий салоҳиятнинг қай даражада ўсишига қаратилмоқда.

Хусусан, 2021 йилда эълон қилинган миллий рейтинг натижаларига кўра, сўнгги уч йилда олий таълим муассасаларидаги илмий салоҳият ўртача 4,2 фоиз ошди. Фан доктори (DSc) илмий даражаси ёки профессор унвонига эга ўқитувчилар сони 2477 нафарга, фан номзоди (PhD) илмий даражаси ёки доцент унвонига эга педагоглар сони 8710 нафарга етди. Дуненинг нуфузли 1000 талик рўйхатига киривча ОТМларнинг PhD ёки DSc илмий даражасини олган профессор-ўқитувчилар сони 450 нафар бўлди.

Бироқ бу натижалар мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаши учун етарли эмас. Шунинг учун Хитой, Россия, Қозғоистон ва бошқа давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, миллий олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингдан ўрин олишига кўмаклашишга қаратилган “Олий таълимда юксалиш — 2030” лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Нодавлат таълим ташкилотлари сони янада оширилади

Дунё тажрибасида таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган энг асосий омиллардан бири таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳити мавжудлиги, уларнинг ҳар жиҳатдан мустақиллиги ҳисобланади. Соғлом рақобат таълим сифати, маданиятини шакллантирувчи, ўзини ўзи ривожлантиришга муҳит яратувчи салмоқли кўчдир.

Қолаверса, хусусий сектор ҳалқимизнинг бу борадаги эҳтиёжини ҳам қондирмоқда. Бундан ташқари, синалган халқаро стандартлар асосида таълим бериш, илғор ўқув технологиялари ва ресурслари соҳага айнан нодавлат таълим ташкилотлари орқали фаол кириб келмоқда.

Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан Тараққиёт стратегиясида нодавлат таълим хизматлари қўрсатиш ташкилотларга шароит ва имкониятларни кенгайтириш орқали уларнинг улушини 2026 йилга 8 фоиз, жумладан, 2022 йилда 3 фоиз ошириш вазифаси белгиланди.

Қўпгина хорижий мамлакатларда бўлганимизда ёки бошқа давлатларнинг таълим соҳаси вакиллари билан тажриба алмашганимизда айнан хусусий секторнинг таълим сифатини оширишда муҳим роль ўйнаётганини, ўз навбатида, бу давлатга катта иқтисодий фойда келтиришига амин бўлганмиз.

Йиғилишда таъкидланганидек, таълимда бир-икки йилда катта ўзгариш қилиш имконсиз. Бироқ бугунги ислохотларни кечикмасдан ва хато қилмасдан амалга ошириш жуда муҳим.

Шу боис, мутасаддиларга Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, Осие тараққиёт банки каби нуфузли ташкилотлар ва молия институтлари билан бирга ишлаб, аниқ ҳисоб-китобларни қилган ҳолда йил якунига қадар Мактаб таълимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш топширилди. Шу асосда Мактаб таълимини ривожлантириш дастури қабул қилинади.

Берилган топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш учун алоҳида штаб тузилиши, унга барча вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари, тажрибали ва нуфузли педагоглар, фан ва жамоат арбоблари киритилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар, бугун муҳокама қилинган вазифалар катта масъулият талаб этадиган мураккаб жараён эканини таъкидлади.

Ушбу ислохотлар замирида мамлакатимизнинг тақдири ва фарзандларимизнинг келажаги ётибди. Бу муҳим масалада хато қилишга ҳақимиз йўқ.

ЭКОЛОГИЯ

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
Термиз давлат
университети профессори,
юримик фанлар доктори

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатини яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши табиатга муносабатимиз ҳозир қандай экани ва келгусида қандай бўлиши зарурлигини кўрсатиб берди.

Зотан, инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган, тараққиёт йўлидан жадал илдамлаётган ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида глобал экологик муаммоларни ҳал этишдек жиддий вазифа турибди. Чунки экологик инқироз, атмосферанинг бузилиши, иссиқхона эффекти, озон қатлами емирилиши, дунё океани ифлосланиши, тупроқнинг унмдор қатлами йўқолиши кузатишмоқда. Тропик ўрмонларнинг кесилиши, чул्लаниш, чуқуқ сув манбалари ҳамда ердаги биохилмаҳилликнинг камайиши, маийш чикиндилар кўпайиши, кимёвий ва токсик моддаларни зарарсилантириш, иқлим ўзгариши аллақачон муайян давлат чегарасидан чиқиб, том маънода глобал экологик муаммоларга айланиб бормоқда.

Мана шундай мураккаб паллада юртимизда экологик хавфсизлигини



таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар қўришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Барқарор ривожланиш мақсадларига қўшилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Табиатини муҳофазда қилишга оид қонунчиликни амалга ошириш механизмин ишлаб чиқилган, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаётди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йил 5 ноябрда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниши ҳамда Президентимизнинг ўтган йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дархатлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамият касб этди. Лойиҳа доирасида йилга 200 миллион тул дарахт ва бутта кўчати экиш режалаштирилгани яхши натижа бермоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунё бўйича 3 триллион атрофида дарахт мавжуд. Бироқ ҳар бир дақиқада уларнинг 27 та футбол майдонига тенг қисми кесилмоқда. Мамлакатимизда эса 2019-2020 йилда ўтказилган “Бир миллион дарахт” акцияси давомида барча ҳудудларда жами 3 миллион 800 минг тулға яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати экилган. Зеро, табиатни эъзозлаш ва уни қадрлаш аждодларимиздан мерос бўлиб, миллий қадриятларимизга сингиб кетган. Асрлар оша маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида шаклланган. Халқимизнинг табиатга эҳтиромини энди ёш авлод қалбига сингдириш зарурати юзага келмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудудида “Обод маҳалла” дастури ва “Яшил макон” миллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, истироҳат боғлари барпо этиш, кўчатлар экиш ва уларни парваришлаш ишларини жадал олиб боришда ҳам экологик тарғибот-ташвиқот ҳамда экологик таълим катта ўрин эгаллайди. Кечаги йиғилишда ҳам давлатимиз раҳбари аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида сўз юритиб,

жумладан, шундай деди: “Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак.

Бу нима дегани? Бу — табиатни тоза-озода тутиш, ер ва сув ресурсларини, экологик тизимини асраш, дарахт экиб, боғ яратиш дегани.

Энг муҳим масала — аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур”.

“Табиатни муҳофазда қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган, барча турдаги таълим муассасаларида экологик таълим мажбурийлиги оид талаблар етарли даражада ўз ифодасини топан. Экологик таълимнинг ҳуқуқий асосларидан бири эса Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарорига асосан, қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида экологик таълимини ривожлантириш концепциясидир.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофазда қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори экологик таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжат соҳада давлат бошқаруви самардорлигини таъминлаш ҳамда бу борада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни янада жадаллаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофазда қилиш йўналишини коррупциясиз соҳага айлантириш, экологик тарбия,

тарғибот ва таълим тизимини ташкил этиш, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари фаолиятига кўмаклашиш чоралари белгиланди. Жумладан, экологик таълим жараёнида биохилмаҳилликни асраш, табиат бойликларида оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, чиқиндини белгиланган жойларга ташлаш бўйича ёшларнинг дунёқарашини ўзгартиришимиз лозим. Чунки нотўғри ва папалартиш муносабатимиз оша табиатимизнинг инқирозга учрашишига олиб келиб, инсониятнинг турмуш тарзи ва келажагига таҳдид солмоқда.

Масалан, экологик таълим жараёнида ёшларга ишлатилган, ташлаб юбориладиган чиқиндилар қанча вақтгача сақланиб туриши, уларнинг жамият, табиат ва инсон ҳаёти учун нақадар хавфли эканини тушунтириш ўринлидир. Аниқ мисоллар келтирадиган бўлсак, пенопласт умуман қирмайди, ойна 1000 йилдан ортиқ, алюминий идиш 500 йил, пластик идиш 450 йил, пластик таглик (памперс) 250-500 йил, целлофан пакет ва фольга қоғоз, автомобиль аккумулятори, батареяка, гўшт ва бетон бўлақлари 100йил, консерваланганаси ва пластмассидиш 50 йил, чарм пойабзал ва нейлон мато 40 йил, сут ва шербатнинг картон идиши 5 йил, фанер 3 йил, газета ва китоб қоғози 2 йил, картон қоғоз 2 ой, озик-овқат чиқиндиси 1 ойгача сақланади.

Шуларни эътиборга олиб, биринчигалда, экология, атроф-муҳитни муҳофазда қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасини ҳамда экологик таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш зарур. Экология

ва атроф-муҳитни муҳофазда қилиш ташкилотларининг ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлиммалари билан яқиндан ҳамкорлигини ўрнатиш ҳамда кўшма профилактик тадбирлар ва ўқув машғулотлари ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш мумкин. 2022 йил 1 декабрга қадар ишлаб чиқиладиган Экологик кодекс лойиҳасига алоҳида экологик таълим-тарбияга оид моддалар киритилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, экологик таълим ва тарбия бериш жараёнида экологияга оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва ихчамлаштириш, атроф-муҳитни муҳофазда қилиш давлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик назорат ва мониторинг турларини амалга ошириш тартиби, шу жумладан, “Яшил иқтисодиёт”ни рағбатлантириш чоралари, экологик экспертизани амалга ошириш тартибига оид талабларни батафсил қўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, экология таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини замон талаби асосида янада такомиллаштириб бориш, изчил ихросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириб, жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада қучатириш зарур. Бу аҳолининг экология ва атроф-муҳитни муҳофазда қилишга муносабатини ижобий томонга ўзгартириб, табиат бойликларида самарали фойдаланиш ва уларни муҳофазда қилишга масъулиятини янада оширади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ

МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИНИНГ НУРЛИ МАЁҒИ



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
маданият вазири

Бошланиши 1-бетда

Стратегияда жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил этган ҳолда, кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Ҳужжатда халқнинг ўзи ҳаммуаллиф бўлди. Яъни унинг лойиҳаси юрдошларимиз муҳокамасидан ўтказилди. Бунда элимизга барча шарт-шароит яратиб берилдики, ҳужжатнинг ҳар бир банди бўйича ўз фикрини билдириш, таклифлар киритиш имконига эга бўлди. Қисқача айтганда, стратегия ижтимоий экспертизадан ўтказилди. Ушбу муҳокамаларда халқимиз, шу билан бирга, соҳа экспертлари ва мутахассислари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ниҳоятда муҳим эканини, у нафақат мамлакатимизнинг беш йиллик ривожланиш йўли ва йўналишлари, балки ундан кейинги равишга ҳамда фаол фуқаролик жамияти қасб этишини қайд этди. Билдирилган 17 мингдан ортиқ фикр-мулоҳазанинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади. Пировардидан, концептуал таклифлардан стратегияни такомиллаштиришда фойдаланилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги бошқича олиб қилишга қаратилган устувор чора-тадбирлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Уларда эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, **“Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият”** концепциясини амалга ошириш кўрсатилган.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий-маърифий тадбирлар халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилинади. Тарғибот-ташвиқ ишлари таъсирчан, креатив ва инновацион услубларда олиб борилади.

Ахборот технологиялари жадал тараққий этаётган, барча соҳада глобallasуv кучайган бугунги кунда инсон онгу қалбини турли таҳдид ва хатарлардан ҳимоя қилиш янада долзарблишиб бормоқда. Ушбу таҳликали ва мураккаб замонда асрлар синовидан ўтган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўлмас маънавий мероси бизга таянч ҳамда суянчдир.

Шу ўринда бир нарсга аҳамият беринг: Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026

йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури Президентимиз фармони билан тасдиқланиб, эълон қилинган, ҳеч қанча вақт ўтмасдан, 2 февраль куни яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. **“Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарор давлатимиз раҳбари томонидан маънавият, маданият, санъат соҳаларига жиҳдий эътибор қаратилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Бу халқимиз узоқ вақтдан буён кутган ҳужжат. Чунки унда санъаткорларнинг кўнгилдаги, орзусидаги кенг қўламли ишларни амалга ошириш назарда тутилган. Кейинги вақтларда томошабинлар, санъат ихлосмандлари билан маданият, санъат соҳаси вакилларининг орасидаги кўприк маълум даражада узилиб қолгандек эди.

Қарор анъана ва қадриятларимиз билан биргаликда миллий оҳангларимизни ҳам халқимизга, бутун дунёга кенг тарғиб қилишга қаратилган бандлари учун ҳам ғоят аҳамиятли. Шунингдек, ушбу ҳужжат санъатимиз ва маданиятимизнинг юртимизда, қолаверса, жумлаи жаҳонда нуфузини, ўрнини кўрсатиб берадиган ва ўзининг мавқеини қайта тиклашига ечим бўла оладиган қарор сифатида қабул қилинди.

Юқорида асрлар синовидан ўтган

раёнларни чуқур таҳлил қилиб, улардан хулоса чиқарган ҳолда тўғри йўлни танлашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб келади.

Стратегияда ҳам мана шу ёндашувга устувор эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, юртимизда маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив усулларини қўллаш назарда тутилган.

Ёшлар — ҳар қандай мамлакатнинг эртаси, куч-қудрати, суянган тоғи. Улар ҳар томонлама баркамол, жисмонан бақувват, руҳан ва маънан соғлом, билимли, юксак тафаккурли бўлиб улғайса, эл-юртнинг ҳам келажағи ёруғ, барқарор ва фаровон бўлади.

Шу нуктаи назардан ҳужжатда ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, бугунги қалтис даврда мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўн-икмасини шакллантириш аниқ мақсад қилиб белгиланган.

“Ёшлар — янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс” ғоясининг рўёбга чиқарилиши таъминланади. Давлатимиз раҳбари фаолиятининг дастлаб-



ҚАРОР АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА МИЛЛИЙ ОҲАНГЛАРИМИЗНИ ҲАМ ХАЛҚИМИЗГА, БУТУН ДУНЁГА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН БАНДЛАРИ УЧУН ҲАМ ҒОЯТ АҲАМИЯТЛИ. ШУНИНГДЕК, УШБУ ҲУЖЖАТ САНЪАТИМИЗ ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ НУРТИМИЗДА, ҚОЛАВЕРСА, ЖУМЛАИ ЖАҲОНДА НУФУЗИНИ, ЎРНИНИ КЎРСАТИБ БЕРАДИГАН ВА ЎЗИНИНГ МАВҚЕИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШИГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИГАН ҚАРОР СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўлмас маънавий мероси бизга таянч ҳамда суянч эканини таъкидладик.

Стратегияга асосан мамлакатимиз тараққиётининг келгуси беш йиллигида ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, оила, таълим ташкилотлари ва маҳалла-ларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлашга эътибор янада кучайди.

Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳолис ахборотни ўз вақтида бериб бориш орқали ёлғон маълумотлар тарқалишининг олдини олишга устувор аҳамият қаратилади. Ҳужжатда “маҳалла — туман — вилоят — республика” тамойили асосида ҳудудлар кесимида ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш ҳаритасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш белгиланган.

Ҳар қандай муаммога илмий ёндашувлар асосида самарали ечимлар топиш мумкин. Давлатимиз раҳбари маънавий-маърифий соҳада ҳам жаҳонда кечаётган геосийсий ва мафкуравий жа-

ҳамда маънавий мероси бизга таянч ҳамда суянч эканини таъкидладик. Зеро, китоб ақл машъали, бекиёс маънавий мўъжиза бўлиш билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, билим ва дунёқарашини бойи-тишда асосий воситалардан берибдир.

Стратегияда буюк ақдодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш алоҳида мақсад сифатида белгиланган. ИХТ, IRCICA, ICESCO, UNESCO каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс” шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш қайд этилган.

Шу билан бирга, келгуси йилларда буюк ақдодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб

қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб 100 та асарнинг халқчил таржимаси амалга оширилади, улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратилади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятининг қўллаб-қувватла-ниши жаҳон тамаддунига сезиларли ҳис-са қўшган буюк алломаларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутди.

Ҳужжатда маданият ва санъат соҳа-ларини янада ривожлантириш, мада-ният муассасалари ва объектларининг моддий-техник базасини яхшилашга ургу берилган. Шу билан бирга, ма-даният ва санъат соҳаси вакиллари, ижодкорлар, соҳада фаолият юритаёт-ган профессор-ўқитувчи ва ҳодимлари моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда улар-нинг яшаш шароитларини яхшилаш кўзда тутилган.

Келгуси беш йилликда театр ва цирк санъатига эътибор янада кучайиб, уларнинг моддий-техник базаси мус-таҳкамланади. Маданият марказлари фаолияти такомиллаштирилиб, улар томонидан аҳолига маданий хизмат кўр-сатиш сифати оширилади.

Ҳудудларда янги маданият объект-лари барпо этиш ва уларнинг самара-ли фаолият юритишини таъминлаш, миллий маданиятни халқаро даражада оммалаштиришга қаратилган тадбир-ларни ҳудудларда ўтказишга эътибор кучаяди.

Ўзбек халқи маданияти ва санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қў-шган атоқли ижодкор зиёлилар юбилей-ларини муносиб нишонлаш, ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш, хоти-расини абадийлаштиришга аҳамият қар-атилиши маънавий-маданий муҳитни янада барқарорлаштиришга, юксалти-ришга хизмат қилади.

Стратегияда жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумла-дан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифати-да кино санъатини янада раванқ то-птириш масаласи ҳам бор. Жумладан, кино санъатини давлат томонидан қў-ллаб-қувватлаш тизимини бозор тамой-иллари асосида такомиллаштириш, хорижий кинокомпанияларни мамлакат-га жалб қилиш ва ҳамкорликда фильм-лар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, миллий мультипликация индустриясини шакллантириш белгиланган.

Кино санъати иқтисодийнинг алоҳида тармоғи сифатида тараққий эттирилиши, замонавий ва юқори тех-нологик моддий-техник базасига эга инфратузилма ҳозирланиши, соҳада кадрлар тайёрлаш, ижодкорлар ва тех-ник ҳодимлар малакасини оширишнинг самарали тизими ҳаётга таътиб этилиши халқимиз кутган, бадий савияси юксак фильмлар яратилишига сабаб бўлади.

Ҳуллас, 2022-2026 йилларга мўлжал-ланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида барча соҳа қатори юр-ти-мизнинг маданий-маънавий ривожла-ниши, бу борада дунёга бўйлашнинг таъ-минлайдиган кенг қўламли чора-тад-бирлар, эзгу мақсадлар белгиланганики, улар яқин келажақда мамлакатимиз ис-ти-қоблининг нурли маёғига айланиши шубҳасиз. Зеро, Президентимиз таъ-кидлаганидек, маънавият жамиятдаги барча сезимий-ижтимоий муносабатлар-нинг мазмуни ва сифатини белгилай-диган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади.

“Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори эса Тараққиёт стратегиясида на-зарда тутилган мақсадларга эришишни жадаллаштиришга, вазифалар ижроси-ни юксак поғонага кўтаришга хизмат қи-лади. Шунингдек, мамлакатимизда ма-даният ва санъат соҳасида инқилобий бурилиш ясайди.



Давлатимиз раҳбари қўллаб чиқишларида миллий musiқа ва мумтоз қўшиқларимизнинг инсон камолотида катта аҳамият касб этиши, агар болаларимиз ҳаётига миллий чолғуларимиз, миллий musiқамиз ҳамроҳ бўлса, уларнинг фақат телефон ва интернетга боғланган ҳаётида ўзгача ёруғлик — маънавий нур пайдо бўлиши ҳақида таъкидлаб келади.

МИЛЛИЙ КУЙЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ НУР БАХШ ЭТАДИ



Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қахрамони

Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида миллий чолғуларимиздан камида биттасини, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасини ижро қилиш маҳора-тига эга бўлиш musiқа фани ўқитув-чилари учун мажбурий ҳисобланади, дея қайд этилган. Шунингдек, энди-

ликда musiқа фани учун ажратилган ўқув соатлари доирасида “Ҳаётимга ҳамроҳдир чолғу” шиори остида чолғу ижрочилиги дарс машғулотлари йўлга қўйилиши ҳам айтиб ўтилган. Умумтаъ-лим мактабларида айнан миллий чолғуларимизни чалишга ва ўрганишга эътибор қаратилиши, бу — миллий musiқамизга бўлган эътибор демек. Агар болаларимиз ҳаётига миллий чолғулар ҳамроҳ бўлса, миллий қадрият ва аъна-аналаримизга нисбатан ўзгача меҳр уйғонади.

Ҳаётимда касби ва фаолияти бошқа бўлса-да, дутор, танбур ёки найни маро-мига етказиб чала оладиган инсонларни биламан. Улар миллий созларимизни маънавий-руҳий оламига мазмун бахш этиш учун чалади. Ва бу маънавий устунлик инсон соғлиғига ҳам бевосита таъсир қилади. Қолаверса, миллий musiқага бўлган интилиш ва изланишлари-миз ҳаётдаги мақсад ва ниятларимизга кўтаринки руҳ бахш этади.

Бўш вақтини, маънавий ҳордиқ он-ларини қуй-қўшиқ билан ўтказадиган, китоб ўқийдиган одамлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Бундай инсонлар-нинг она юртига садоқати, атрофдаги инсонларга муносабатини кўриб ҳава-сингиз келади.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ТЕАТРГА БЎЛГАН МУҲАББАТИ, ҚИЗИҚИШИ ЯНАДА ОРТАДИ

Александр БЕКЖОНОВ,
Муқимий номидаги
Ўзбекистон давлат musiқали
театри директори

Давлатимиз раҳбарининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ғоят кенг қамровли бўлиб, аввало, миллий musiқа санъатимиз ва маданиятимизни янада юксалтиришда чинакам дастуруламал бўлиб хизмат қилади.



Зеро, унга қадар ҳам мана шун-дай ҳуқуқий мезонлар асосида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти ташкил этил-гани, Нукусда опера ва бахшчилик мактаби, республикаимизнинг чекка ҳудудларида ҳам бахшчилик мактаб-лари, болалар musiқа ва санъат мак-табларида фольклор синфларининг фаолият юритаётгани фикримизни исботлайди.

Қарор билан “Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида театрларда саҳна-лаштириладиган камида 40 та янги спектаклга ҳар йили давлат буюртмаси берилиши биз, театр ҳодимларини янада руҳлантирди.

Энг яхши спектаклларнинг пул му-кофоти билан рағбатлантирилиши эса ижодкорларни ўз устида янада кўпроқ ишлашга, тинимсиз изланиш-га ундайди. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш учун театрларга автобуслар ажратилиши театр жамоаларига анча енгиллик яратади. Худудларга гас-троль сафарларини кўпроқ ташкил-лаштириш халқимизнинг театрға бўл-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 269.
76709 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмохонасида чоп этилди.
Босмохона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар йўчаси, 1-А уй.
Босмохона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улғубек Асқоров
Мусахҳас: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 23:08 Топирилди — 00:40